

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-МАХСУС СОН-3
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилов, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдухалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.

Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.

Рўзбоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№МАХСУС СОН-3 (84),
Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 348 б. – Босма нашрнинг электрон варианты -
<http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ФИЛОЛОГИЯ ФАҲЛАРИ

Abdulkhamidova Kh.A. Isajon Sultonning “Ozod” romanida aks xronotopi	6
Abdullayeva G.V. Mavzular ko‘lamida izdoshlik va o‘ziga xoslik	8
Abbozov O.Q. Oronimlarning umumiy xususiyatlari	10
Abruyeva M. Boborahim Mashrab ijodida talmeh san’atining o‘rni	13
Ahmadjonova O. “Chinor” romanining til xususiyatlari	15
Ashurova F.L. The linguacultural aspect of aphorisms in multi-system languages	17
Axmadaliyeva G.M. Badiiy adabiyotda oy va quyosh timsollarining qo‘llanilishi	18
Axungjanova M., Abdullayeva N., Umarova X. She‘riyatda milliy-madaniy konnotatsiya talqini	20
A‘zamova D.Sh. O‘zbek badiiy diskursida milliy-madaniy fondning ifodasi	22
Erkaboeva Kh.K. Some issues in terms of learners’ divergence	24
Fattoyeva Z.R. Geodeziyaga oid qisqartma so‘zlarning ingliz va o‘zbek tillarida ifodalanishi	26
Fozilov O.Yu. Scientific approaches to studying periphrase in English public texts	28
G‘aniyev N.O‘. Qiziltepa tuman toponimlari o‘rganilishining lisoniy va lingvokulturologik xususiyatlari	30
Galiakberova A.R. Questions about ways of terminoformation of the powerengineering sphere	32
Grinkevich A.A. The impact of the internet and social networks on the russian language	34
Ibragimova D.A. O‘zbek kosmonimlarining genetik qatlamlari	36
Ikramova A.A. English literature and the role of drama in theater	41
Isamiddinova L.I. Communicative approach in teaching a foreign language	46
Jumaniyazov A., Xodjayeva G.B. Tilimizda norma va kodifikatsiya masalalari borasida muhtasar mulohazalar	48
Jumaniyazova D.A. O‘zbek tilidagi sanskritcha o‘zlashmalarning morfologik o‘zgarishlari xususida	51
Komilova N.A. Fundamentals of gender theory in modern linguistics	54
Oripova G.M., Tolibova M.T. Shoyim bo‘tayevo hikoyalarida mavzu va g‘oya	56
Qayumov A.A., Abdurahimova M.Sh. Psixologik tasvir va psixofiziologik holat masalasining o‘rganilishi	58
Qayumova Sh.Q., Ahmedova Sh. Linguacultural analysis of breast jewelry names of Uzbek and English languages	61
Rajabov A.O‘. J.K. Roulingning “Garri Potter va falsafa toshi” asaridagi bosh qahramon obrazining tahlili	62
Rasulova A.M., Qurbonova M.A. Abdulla Avloniy asarlarida okkazionalizmlarning o‘rni	65
Ruzmetova O.A. So‘z derivatsiyasi, so‘z yasalishi	67
Sharafutdinova N.X. Mifoteonim va tarixiy so‘zlar	69
Sharopova Sh.Q. O‘zbek badiiy matnlari va she‘riyatida sinonimlarning uslubiy xususiyatlari	71
Shokirova D.A., Sherali I.Sh. Analysis of the semantic features of words with the concept of "property"	73
Sovenko O. Solving the problems related to the translation of texts with a historical focus	76
Sinjapova R.R. Phraseological unit as a phenomenon of conceptual blending	78
Sultonova M.N. Energetikaga oid so‘zlar derivatsiyasi	81
Tadjiboyeva Sh.R. Nemis va o‘zbek tilarida erkalashni ifoda etuvchi lleksik birliklarning etimologiyasi	84
Tashpulatova V.I. Pragmatic feature of translation in literary texts	87
Xakimbayeva O.K. The role of gender in proverbs	89
Xayrullayeva K.R. Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” romanida Bobur obrazi tavsifi	91
Xayrullayeva N.N. Ingliz va o‘zbek tillari matnida metaforalar talqini	93
Xo‘jayev S. Uchlik asosidagi mifologik tushunchalar	96
Ziyodullayev A.R. Ingliz tilida eponimlarning morfologik va grammatik xususiyatlari	98
Алтмишева Ё.М. Религиозные воззрения Бабура. размышления по вопросу о его принадлежности к шиизму	104
Бузрукова К.Д. Лингводидактическая платформа учебного русско-узбекского толкового словаря синонимов	107
Газиева М., Бурханова М. Она тили дарсларида инновацион методика хақида	110
Газиева М.М. Нутқ темпининг функционал белгилари хусусида	113
Гафурова С. Ўзбек тили тарихида туркий тилдаги манбаларнинг хусусиятлари ва тавсифи	115
Джалилова Г.Х. Типология и эволюция журналистских жанров	117
Жумаев И.Х. Ўғил-қизим муносиб ўссин десанг... ..	120
Жўраев Х., Сайидолимов Ж.Б. Эътикод ва дунёқараш мутаносиблиги	122
Жўраев Г. Болалар шеърлятида хажвиянинг ўрни ва ахамияти	125
Казакова Л.М. Немис ва ўзбек лексикографияси тарихи	128
Камилова Д.К. Инглиз ва ўзбек тилларда “Бизнес ва тадбиркорлик” терминларининг структурал таҳлили	132
Касимова Р.Р. А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асари инглиз тили таржимасида бадий психологизм	134
Қаландарова Д. Карл Райхл – ўзбек фольклорининг таржимони	138
Қаюмов А.А. Жамият нуқсонлари	142
Қодирова З. Реклама дискурсининг антропоцентрик хусусиятлари	145

Махмудов Р. Огахий тарихий асарларида уядош ўзлашмалар лингвопозитикаси	150
Муминов М.Т., Обидова Г.М. Функции имен собственных в исторических художественных произведениях	153
Наширова Ш.Б. Замонавий тилшуносликда “термин тизими” назарияси	156
Норкулова Ш.Т. Алишер Навоий ғазалларида кўз ва ашк	158
Нормаматова Д.Т. Ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативлик категориясининг морфологик тадқиқи	161
Нуриддинов Ш.Б. Комил Хоразмий девонининг илк нашри тўғрисида	165
Нуриддинова Н.Н. Практические взгляды о методологии и методов преподавания французского иностранного языка	170
Очилова М.Р. Электрон луғат – лексикография ривожининг янги босқичи маҳсули	173
Раджапова Ф.А. Давр руҳининг киссаларда акс этиши	178
Раджапова Ф.А., Садиқова Г.Н. Э.Аъзам асарларида миллийликнинг ифодаланиши	180
Раҳмонов М., Гафурова С. “Таворихи гузида – Нусратнома” асарининг ўзбек тили тарихидаги ўрни	182
Садуллаев Д.Б. Лексикон английской философии в плоскости философии языка	184
Собирова Г.Б. Об общем удельном весе метафорических переносов во французском и русском языках	187
Умаров А.А. Концепт “человек” в пословицах и поговорках русского языка	189
Усмонова М. Турли ижтимоий гуруҳлар нутқининг ўрганилиши	190
Хажиева Ф.М. Лайла Лаламининг “The moog’s account” асари архитектуроникаси тадқиқи	192
Хажиева Ф.М. Лайла Лаламининг “Қора занжи ҳисоботи” романида миллий қадриятлар ифодаси	194
Хайдаров И.Т. Тилшуносликда суғурта терминлари тадқиқи	196
Хамраева М.Ғ. Сезги феъллари эвиденциал клитикалари	199
Худоёрова С.Т. Инглиз ва ўзбек тилларида фразеология ва паремнологияга илмий-назарий ёндошувлар	201
Хамраев Д.Х. “Таркибадахшон” достони сюжети ва образлар таркиби ҳақида	205
Шадиева Д.К. Влияние норм русского языка на узбекский язык	207
Шарифжанова М.Г. Опыт контрастивного описания системного участка лексики русского и узбекского языков	211
Шукуров У.Б. Контекст ходисасининг когнитив моҳияти	217
Эргашева Н.А. Ўзбек ва рус тилларида предлоғли келишиклар конструкциясининг мантиқий ва когнитив хусусиятлари	219
Яркинова Б.Б. Тарихий асар таржимасига оид	221
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Abdukhalimova S.U. The use of case-study method in EFL teaching	224
Abdumuratova S.S. Pedagogical profilactics language of innovative activity	226
Abamatov M.B. “Ekologik ma’daniyat” mavzusini o’qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish	227
Alaudinova D.R. Developing oral skills in future english teachers based on a competency-based approach	230
Akbarova M. Interactive teaching methods in the teaching foreign language	232
Atabaeva N.Dj. Modern methods and innovation technologies of teaching foreign languages in the higher education	234
Axmedova N.Dj. Ingliz tili nazariyasini o’qitishning turli texnikalari	235
Begov F.R. The role of ict in the teaching foreign language	238
Dadajanova D.A. Zamonaviy innovatsion texnologiyalar asosida boshlang’ich sinf o’quvchilarining og’zaki nutqini rivojlantirish texnologiyalari	239
Djumanova A.B., Tuxtaxodjayeveva M.A. Ma’ruza mashg’ulotlarida talabalarni faolligini oshirish metodlari	241
Ishanqulova G.R. Bo’lajak muhandislarning kommunikativ kompetentsiyasining pedagogik va psixologik qonuniyatlarini shakllantirishda interfaol o’qitish usullari	243
Israilova D.A. Features of fairy tales in English and Uzbek languages	245
Jumayev S.Z. Bilim, ko’nikma, malaka va kompetensiyani shakllantirishda biologik masalalardan foydalanish	247
Jurayeva X.Y. Pandemiya sharoitida masofaviy ta’limning dolzarbligi, uning xususiyatlari va muammolari	249
Kattayeva F. The formation of socio-cultural competence in university literature lessons	251
Kurbanova G.A. The use of innovative technologies in language learning	253
Makhmudova Z. Effective teaching in higher education	255
Mamatov R.R. Ta’lim jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalanishning samaradorligi	257
Mirzayeva Q.A. Benefits of teaching vocabulary in enhancing reading skills of efl learners	260
Mulladjanov U.A. Sportchi o’zini nazorat qilishining o’ziga xos xususiyatlari	263
Murodov S. Ethical views of Fariduddin Attor	266
Mustafayeva S.U. The aspects of teaching stylistic devices in communication competence for non-specialist learners	268
Narmuratov I. Personal speech research in the coommunication process	270
Norova D.R. Using authentic materials and newspapers as an effective tool to improve English as a language	272
Raimova M., Djumanova A.B. Universitetlarda elektron portfoliolarning roli	274
Rajabov A.U. The role of games in teaching a foreign language in the educational process	276
Rasulova S.Dj. Teaching english young learners	278

а) формирующая, непрерывная оценка, роль которой заключается в диагностике ошибок в понимании и практическом применении преподаваемой проблемы;

б) итоговая итоговая оценка, цель которой состоит в том, чтобы подчеркнуть успеваемость каждого учащегося.

Заключение. Разработка учебного проекта требует от учителя изучения оперативных целей (информационных, формирующих, эмоциональных), ресурсов (содержание урока, интеллектуальные возможности учащихся в классе, материальные условия проведения занятия – аудитория, лаборатория), стратегии (методы, процессы, методы, учебное оборудование) и наиболее подходящих видов оценки. Все эти элементы находятся в взаимосвязи солидарности с типом языкового класса и его структурой.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Rodriguez, Seara: L'évolution des méthodologies dans l'enseignement du français langue étrangère depuis la méthodologie traditionnelle jusqu'à nos jours, 19 p. Dossier word
2. Puren, Christian (La didactique des langues à la croisée des méthodes. Essai sur l'éclectisme, ouvrage de Christian Puren (CRÉDIF-Didier, coll. « Essais », 1994). Republication en ligne pour APLV-LanguesModernes.org PDF, 230 p.
3. Puren, Christian (2007): Histoire de la didactique des langues-cultures et histoire des idées. In: Quadernos de Filología Francesa, No 18, octobre 2007:127-143. PDF.
4. Guichon, Nicolas (2006): Langues et TICE. Méthodologie de conception multimédia. PDF. 175 p.
5. Mar Sigursson, University of Iceland: Histoire méthodologique du FLE: méthodologie traditionnelle et directe. PPT (Source)
6. Nadine Bailly - Michael Cohen: L'approche communicative - http://flenet.rediris.es/tourdetoile/NBailly_MCohen.html ou ici

УДК 81'374

ЭЛЕКТРОН ЛУГАТ – ЛЕКСИКОГРАФИЯ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МАҲСУЛИ

М.Р. Очиллова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада маълумотларни қайта ишлаш тартибини автоматлаштириши, янги фаол лексикографик системаларни яратиши, бунинг натижаси сифатида анъанавий лугатлардан автоматлашган (электрон) лугатлар яратиши долзарблиги хусусида фикр юритилган. Хусусан, интернет тизимида мавжуд электрон лугатларнинг анъанавий лугатлардан устунлиги, қулайлиги ҳақида маълумот берилган. Ўзбек тилида ҳам *abby lingvo* ёки «Urban Dictionary» каби электрон лугатлар кераклиги хусусида мулоҳазалар билдирилган. Маълумотларнинг терминологик банки (МТБ)ни яратиши масаласи ва ўзбек киберлексикографиясини йўлга қўйиши бугун учун долзарб вазифа эканлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: киберлексикография, қозғоли лугат, электрон лугат, мультилекс, медиаобъект, видео ва анимацион фрагментлар, маълумотларнинг терминологик банки (МТБ)

Аннотация. В статье обсуждается важность автоматизации порядка обработки данных, создания новых активных лексикографических систем, в результате чего создание автоматизированных (электронных) словарей из традиционных словарей. В частности, была предоставлена информация о преимуществах и удобстве электронных словарей, имеющих в системе Интернет, перед традиционными словарями. Также есть комментарии о необходимости электронных словарей на узбекском языке, таких как электронный словарь *abby lingvo* или электронный словарь *Urban Dictionary*. Было отмечено, что вопрос создания терминологической базы данных (ТБД) и создания узбекской киберлексикографии является актуальной задачей сегодня.

Ключевые слова: киберлексикография, бумажный и электронный словарь, мультилекс, медиаобъекты, видео и анимированные фрагменты, банк терминологии данных (БТД)

Abstract. The article discusses the importance of automating the order of data processing, creating new active lexicographic systems, resulting in the creation of automated (electronic) dictionaries from traditional dictionaries. In particular, information was provided on the advantages and convenience of electronic dictionaries available on the Internet over traditional dictionaries. There are also comments on the need for electronic dictionaries in the Uzbek language, such as the electronic dictionary *abby lingvo* or the electronic dictionary *Urban Dictionary*. It was noted that the issue of creating a terminological database (TBD) and the creation of Uzbek cyberlexicography is an urgent task today.

Key words: cyberlexicography, paper and electronic dictionary, multiplex, media objects, video and animated fragments, data terminology bank (DTB).

Кириш. Ахборот технологияларининг ривожланиши жамият аъзоларидан техника ва технологияни пухта ўзлаштиришни, электрон луғатлар яратиш ва уларни самарали қўллаш, тадқиқотлар олиб бориш, ахборотни қайта ишлаш, улардан тўлиқ фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишни талаб этади [3]. Лексикография соҳасига компьютер технологиясининг кириб келиши фақат электрон луғатларгина лексеманинг бутун моҳиятини тезкорлик билан ўқувчига етказиш имкониятига эгаллигини кўрсатди. Жамиятдаги барча соҳаларга ахборот технологияларининг татбиқи лексикографияда замонавий – киберлексикография йўналишининг пайдо бўлишига олиб келди. Маълумотларни қайта ишлаш тартибини автоматлаштириш, янги фаол лексикографик системаларни яратиш, бунинг натижаси сифатида анъанавий луғатлардан автоматлашган (электрон) луғатлар яратишга ўтиш жараёнини тезлаштирди [4].

Мақсад ва вазифа. Ушбу мақолада қўйилган масалани ечишдан мақсад лексикография ривожланишида электрон луғатларнинг аҳамиятини, уларнинг янги босқичи сифатида киберлексикография соҳасидаги ютуқларини очиб беришдан иборат. Ўзбек тилшунослигида киберлексикография янги соҳа бўлгани боис унинг ривожланиши, ундаги имкониятларнинг амалий кўриниши сифатида янги электрон луғатларни яратиш муҳим вазифа саналади.

Натижа ва ютуқлар. Ҳозирги вақтда компьютерлар нафақат дастурчилар ва муҳандислар, балки хорижий маълумотларнинг тезкор таржимасига муҳтож бўлган тилшунослар, таржимонлар ва бошқа соҳа мутахассислари орасида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Жумладан, компьютер дастурлари орқали яратилган электрон луғатлар вақтни тежаш ва ўзга тилдаги маълумотларни тушуниш жараёнини оптималлаштириш учун жуда қулай воситага айланганлигини инкор этиб бўлмайди. Бундан ташқари, эндиликда ўзга тиллардаги матнларнинг кенгрок ёки қисқартма таржимасини амалга оширадиган ва турли соҳалардаги мутахассисларнинг ишига ёрдам берадиган таржима дастурлари ҳам мавжуд.

Жамиятнинг муайян тилга оид кенг қамровли маълумотларидан турли эҳтиёжларга кўра фойдаланиш луғатлар систематик тўпламлари(репертуар, коллекция)ни ҳам мураккаблаштиради, ҳам кенгайтиради. Битта луғатда тил тўғрисида бутун жамиятни, шунингдек, унинг алоҳида қатламлари ва хусусиятларини тўлиқ ёритиб фойдаланувчи эҳтиёжини қондирадиган маълумотларни тақдим этишнинг деярли имкони йўқ. Шунинг учун ҳар қандай миллий лексикографияда ҳар хил турдаги ўнлаб, ҳатто юзлаб луғатларни кўришимиз мумкин [7].

Мустақиллик йилларида ўзбек лексикографияси қатор ютуқларни кўлга киритди. Қисқа давр ичида катта ишлар амалга оширилди, бир қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди [13]. Бунинг пировард натижасида беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2012-2016) яратилди. Луғатнинг янги турлари нашр этилди, уларда халқимизнинг бой маънавий хазинаси ўз ўрнини топди, миллий кадриятларимизни ифодаловчи лексемалар ўзининг ҳақиқий баҳосини олди [4], шунингдек, лексикографияга компьютер лингвистикаси кириб келди [5,10]. Аммо ўзбек луғатчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида қилиниши керак бўлган ишлар ҳали бисёр. Ўзбек лексикографияси ҳанузгача интернет тизимида ишлайдиган электрон луғатлар базасига эга эмас. Демак, ўзбек луғатчилигига дунё тилшунослигининг энг янги ютуқларини, зудлик билан татбиқ этиш ва амалиётда бундан самарали фойдаланиш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Луғат нима? “Ўзбек тили изоҳли луғати”да «луғат» сўзига қуйидагича таъриф берилган: «арабча» сўздан олинган бўлиб, “тил, шева, сўз, ибора” маъноларни англантиб, “бирор тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда, алифбо тартибида) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб ва тилдаги барча сўзлар мажмуи; сўз бойлиги”[11] каби маъноларда қўлланилади. Google тизимида интернет манбаларда эса: «Луғат» – аҳамияти, ишлатилиши, келиб чиқиши, таржимаси бўйича маълум бир тартибда жойлаштирилган сўзлар тўпламини: морфемалар, сўз бирикмалари, идиомалар ва бошқалар тўпламини – лингвистик тўпламини; фан, маданиятнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатган машҳур кишилар тўғрисидаги маълумотларни – янги энциклопедик тўпламини ўзида сақловчи бир китоб” деган таъриф келтирилади [12].

Француз ёзувчиси Анатолий Франс: «Луғат – бу алифбо тарзида жойлаштирилган коинотдир», дея таъриф берган эди. Анатолий Франс тўла ҳақли. Унинг фикрича, “луғатлар бизга ниманидир билмаганмиздагина керак эмас, балки улар миллий маданиятнинг муҳим бирлигини намоён этганлиги учун, миллатнинг ўзлигини кўрсатиш учун аҳамиятлидир”[3].

Олимларнинг таъкидлашича, луғатларни турларга ажратиш турли сабабларга кўра юзага келади: луғатнинг мақсади, ҳажми, унда сўзлар қандай жойлаштирилганлиги, тавсиф объекти ва ҳоказоларга боғлиқ. Ушбу фарқланувчи хусусиятларнинг аксарияти бир-бирига суянган ҳолда бир хил луғатда бирлашади, бошқалари эса бир-биридан ажралиб туриб, мутлақо бошқа турдаги луғатлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электрон луғат нима? Интернетнинг wikipedia тизимида: «электрон луғат» сўзи “компьютерда ёки бошқа электрон техник воситалардаги луғатдир”, деб таърифланган. Ахборот-кидирув тизимида солинган луғатлар тўплами электрон луғатлар ҳисобланади. Турли мақсадлар учун йиғилган, ўзгарувчан ҳажмга эга электрон луғатлар тўплами киберлексикографияга мисол бўла олади. Бундай электрон луғатлар тўпламида сўзлар битта тилга хос ёки шу тилга хос бошқа вариантларда берилган бўлиши, улар қайсидир жиҳатдан бири-бирига ўхшаш бўлиши табиий. Луғат маълумотлари керакли сўзларнинг морфологияси ва сўз, ибораларини ишлатилиши ҳамда уларни чет тилга таржимаси жиҳатидан тез топишга ёрдам беради. Техник жиҳатдан электрон луғат бу зарур сўзларни (сўз бирикмалари, ибораларни) тез қидириб топишга имкон берадиган махсус кодлаштирилган мақолалардан иборат компьютер маълумотлар базасидир. Шу билан бирга дастлабки электрон луғатлар бир дастур қобиғига бирлаштирилган оддий “dic” дастурдан, бир неча рукнли луғатлар яъни “lingvo” каби кўринишларда бўлади [6,9].

Луғатлар қоғозли ва электрон бўлади. Бундан ташқари луғатлар турли вазифаларга эга ва улар шу хусусияти билан фарқланади. Масалан: электрон луғатлар фақат бир вазифани бажарувчи (масалан: «Дальнинг онлайн изоҳли луғати») ва кўп вазифаларни бажарувчилар (масалан: «abby lingvo») кўринишларга бўлинади. Луғатларнинг online- таржимонлар ва google луғатлар каби электрон турлари мавжуд. Бунда ихтиёрий сўзнинг қидирувидан сўнг сўзининг таржима (изоҳ) варианты ва уни сақлаш жавоби таклиф этилади. Энциклопедия wikipedia шу схемада ишлайди.

1990 йиллардан бошлаб, CD-Rom ва DVDRom каби электрон маълумот сақловчи мосламалардан фойдаланиш электрон луғатларнинг шаклланишига туртки бўлди. Бундай мосламалар қоғоздаги маълумотларни электрон воситаларга кўчиришидан бошланган эди. Кейинчалик электрон маълумот ташувчи мосламалардаги катта ҳажмдаги лексикографик маълумотлар интернетда жойлаштирилди. Мана шу тарзда ягона электрон лексикографик маълумотлар базаси яратиш асос солинди. Электрон луғатлар ёрдамида кўйидагилар амалга оширилади: замонавий луғатларга таяниб сўзларнинг бир неча вариантларини аниқлаш; матн бўйича сўзларни қидириш; бир луғат нашрининг хронологик тартиби бўйича сўзларни аниқлаш; луғатлар ичида сўзларни қидириб топиш.

Бугунги кунда лексикологиянинг янги йўналишини ифодаловчи киберлексикография тадқиқотчилар зиммасига катта вазифани юклайди. Ўзбек тилшунослигида киберлексикография янги соҳа бўлгани боис, унинг ривожлантиришида, ундаги имкониятларидан амалий фойдаланишида ҳамда бу соҳанинг самарадорлигини оширишда электрон луғатлар яратилишини талаб қилади [8].

Электрон луғатларнинг ёндош нашрий намуналардан афзаллиги нимада? Электрон луғатлар анъанавий луғатларга нисбатан аниқ ва муҳим афзалликларга эга. Электрон луғатлар нафақат ўз ҳажми жиҳатидан китобий луғатлардан бир неча баробар устун. Фойдаланувчиларга зарур сўзларни ва сўз бирикмаларини жуда тез топади. Бундай луғатларда ҳар қандай қидирув шаклини амалга ошириш мумкин. Масалан, инглиз тилига мослаштирилган abby lingvo электрон луғати нафақат транскрипцияларни, балки сўзлар талаффузини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Бунда иккита ёндашув кузатилади. Мультилексда товуш синтезатори ўрнатилган ва унда барча сўзлар талаффузи мавжуд. Лекин ундаги транскрипцияни назорат қилмасдан туриб унга тўлиқ ишониш ҳам мумкин эмас. Чунки синтезатор урғуни нотўғри қўйиши билан сўзларни бузиб айтилишига сабаб бўлади. Синтезаторлардан abby lingvo да лексикани диктор оксфорд шевасида эшиттиради. Шунингдек, электрон луғатларнинг энг асосий устунлиги шудаки, унда сўз нафақат луғавий шаклда, балки базанинг бутун ҳажми миқёсида қидирилади. Бу эса қоғоз вариантыда иложсиздир.

Мультимедия луғатининг яна бир устунлиги қоғоз вариантга нисбатан луғат китоб шаклининг (сараланган сўзлар, дефинициялар, сўзлар тартиби, иловалар) кўплаб мультимедия қулай ва қизиқарли интерфейсда ишлатилишидир. Бундай имкониятлар қийин талаффузли сўзлар айтилишидаги, синоним, омоним, антонимларга гипер иловалардаги, қулайликларда кузатилади. Электрон луғатлар қоғоз луғатлардаги ҳажмий чекланишлар билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўтишга имкон беради. Ундаги энг асосий муаммо сўз изоҳининг бошқа сўзлар киёсий таҳлили билан боғлиқлиги мультимедия воситалари орқали олиб ташланади. Бунда экран варақларнинг ўзига хос ҳолати орқали кенг қўламдаги маълумотларга, анимация орқали бўладиган матн бўйлаб йул очилади. Бу электрон шакл лексикографик майдон ичидаги анъанавий жанр чегараларини ўчириб ташлашга олиб келади. Изоҳли, махсус, комусий, икки тили ва кўп тили таржима луғатлар орасидаги фарқлар учиб ягона тил базасида луғатнинг улкан варианты юзага кела бошлайди. Фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган барча йўналишлар (талаффуз, этимология, энциклопедик маълумотлар, синонимлар, сўзларни қўллаш ва ҳоказолар) бўйича ҳоҳлаган маълумотларини

олишлари мумкин бўлади. Хўш, электрон луғатлар камчиликлари нимада? Электрон луғатлар кўплаб дастурлар билан боғлиқки, улар кўшимча техник воситаларни талаб қилади. Лекин компьютерлаштириш тезлигининг юқори даражаси, ноутбук, смартфонлар бу муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Яна бир муammo бу электрон луғатларнинг қоғоз вариантларга нисбатан қимматлигидадир. Масалан, Oxford English Dictionary, Termium тизимлари хизмати пулликдир [9].

Киберлуғатлар тил имкониятини нисбатан тўла ва кенг қамровли намоён қилиш, эгаллашда анъанавий воситалардан кескин фарқ қилади. Киберлуғатлар ҳақида тасаввур уйғотиш мақсадида, «Urban Dictionary» (<http://www.urbandictionary.com>) электрон луғатининг таҳлилига тўхталиб ўтсак.

Ҳозирда электрон луғатлар компакт дисклар ёки интернет орқали фойдаланиладиган қулай луғатлар анчагина. Уларни киберлуғатлар билан солиштирганда кўпчилиги ҳажми ва сифати жиҳатидан ўртамиёна ва қўллашга ярамайди. Ўзига хос ноёб бўлган киберлуғат 1999 йил яратилди ҳамда <http://www.urbandictionary.com/> адреси бўйича жойлаштирилди. Унинг муаллифлиги аниқ бир нашриётга тегишли эмас, у кўнгилчилар томонидан яратилган ва унга ўша жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз мақоласини кўшиши мумкин (бу лексикография пастдан юқорига ёки «bottom-up lexicography» деб номланган дунё тажрибаси). Фойдаланиш шартномасига тўғри келмайдиган кўшимчаларни олиб ташлаш ишини, албатта, ресурс маъмурияти бажаради. Бироқ қолган бошқа ишларни тизим ўзи бажарадики, биз унинг тартибини куйида кўриб ўтаемиз:

Луғат яратилишида унинг асосий манбаи ҳаётнинг ўзи ҳисобланади. Фойдаланувчилар унга турли вазиятларда кўп марта эшитган сўзларини кўшиб борадилар. Аслида, бу китоблар, газеталар, телекўрсатувлар ва боқалардир. Луғатнинг ҳажми ҳайратланарли даражада соат сайин ўсиб бормоқда. Чунончи, 27 апрель 2009 йилда унинг ҳажми 3 920 800 бирликдан иборат бўлган. Луғат микроструктурасида куйидаги бевосита сўзлар бўлими ва тармоқ соҳалари каби бўлимларни кўриш мумкин: фойдаланувчилар шартномаси («terms of service»), сир сақлаш сиёсати («privacy policy»), фикрлар («feedback»), рекламачиларга таклифлар («advertise»), технологияларни ёзиб ёритиш («technology»), реал вақт режимидаги маслаҳатлар («live support»), чат («chat»), блог («blog»). Микроструктуранинг бир қисми сифатида электрон луғатнинг асосий вазифаси қидириш тизимидан иборатдир. Одатда, сўзлар қатъий тартибга эга бўлмайди. Улар маълумотлар базасида бўлиб, қидириб топиб олиш учун индекслаштирилган бўлади. Шундай бўлса-да, луғатнинг тўғридан тўғри алифбо тартибдалигини қайд этиш мумкин. Қидирув натижаларини акс эттиришда колонканинг чап томонида ўша сўзга алифбо жиҳатидан яқин сўзлар қатори намоён бўлади [1].

Электрон (автоматик) луғат – бу компьютер дастурий таъминоти сифатида амал қилувчи махсус машина форматидаги луғатдир. Бугунги кунда турли луғатларнинг электрон версиялари кенг тарқалган. Анъанавий қоғоз вариантларга қиёслаганда улар матн билан биргаликда график тасвирлар, медиаобъектлар, видео ва анимацион фрагментлар, товуш, мусиқа ва бошқа кўплаб маълумотларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Барча электрон луғатларни икки турга бўлиш мумкин:

Сўнгги истеъмолчининг автоматик луғати;

Матнни дастурий ишлаш бўйича автоматик луғат (ахборот – қидирув тезауруслар, частотали луғатлар, рубрикаторлар, классификаторлар, морфологик анализ сўзлари; сўз морфологияси бўйича батафсил маълумотларни мужассамлаштирган сўзлар, машина таржимаси учун сўзлар). Улар сўз морфологияси, синтаксис, семантик хусусиятлар бўйича батафсил маълумотларни мужассамлаштирган тизимлардир. Бу луғатларда сўз мақолалари зонаси миқдори 1 тадан 100 тагача бўлади. Ҳар бир зона ўзига хос турдаги маълумотлардан, яъни лемма, грамматик информация, стилистик белгилар ва кенг изоҳлардан иборат бўлади. Электрон луғатларда бундай зоналар қоғоз вариантларга нисбатан анча кўп бўлади.

Электрон луғатнинг муҳим белгиларидан бири бу унинг гиперматнли тузилишидир. Сўзлар, иборалар ёки расмларга келтирилган иловалар фойдаланувчига маълумотлар ва мультимедия материалларини экранга тезда чиқаришга имкон беради. Луғат мақоласи элементлар аниқ мантиқли иерархик ўзаро муносабатларга эга бўлиб, ҳар бир ахборот категорияси бу ерда аниқ белгиланган жойга – «майдон»га эга. Бунда фойдаланувчи у ёки бу маълумотларга қизиқиши натижасида аниқ бир параметрлар бўйича мақоланинг маълум бир қисмидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Танланган сўров натижасида майдоннинг фақат бир қисмигина фаоллашади ва бутун мақолани кўриб чиқишга зарурат қолмайди. Сўзларнинг қандай тартибда жойлаштирилганлигидан қатъий назар фойдаланувчи маълумотни тез топиб олади.

Электрон луғатлар қоғоз вариантларга нисбатан жиддий устунликларга эга. Буни уларга нисбатан эҳтиёжларнинг ошиб боришида кузатиш мумкин. Электрон луғатлар китобий

луғатлардаги зиддиятларни енгилгина чеклаб ўтади. Бундай луғатлар икки категорияга бўлинади. Биринчиси – қулай ва оддий оммавий луғатлар. Иккинчиси – батафсил тузилган академик луғатлар. Замонавий электрон луғатлар китобий луғатлардан нафақат ҳажми жиҳатдан катта, балки улар керакли сўзларни бир неча сонияларда аниқлашга имкон бериши билан устун туради. Ҳозирда кенг тарқалган CD/DVD-ROM вариантдаги тилшунослик материаллари қоғоздагиларга нисбатан анча арзон. Фойдаланувчи учун яна бир енгил жиҳат электрон луғатларнинг интерактивлиги, долзарблиги, янгиланиши, интерфейснинг қулайлигидир.

Қоғозли луғатлар узок тузилади. Электрон луғатлар эса жуда тез янгиланиб боради. Лекин электрон луғатларнинг бош қулайлиги шундаки, уларда сўзларни оддийгина топиш эмас, балки бутун тўплам микёсидаги кўп томонлама кенг кидрув имконига эга бўлса, бу қоғоз вариантыда имконсиз. Бундай излаш сўзнинг кўп ўлчовли портретини яратади ва шу сўзни ишлатишнинг барқарорлиги ҳамда ифодалари кўрсатилади. Мухими, электрон луғатлар лексикографиянинг сўнгги ютуқларини осонгина қўллаш олади. Электрон луғатларда ҳар бир сўз синонимлар, антонимлар ва лингвистик ахборотлар билан изоҳланиб келтирилиши мумкин. Шу сабабли бир сўз шарҳидан чиқмай туриб синонимлар ва антонимларнинг бир вақтнинг ўзида унинг тахлилига ҳам йул очиш мумкин. Ҳозирда Россияда электрон Луғатларнинг жуда кўп нашрлари кенг тарқалмоқда:

Lingvo (ABBYY Software House), Мультилекс (МедиаЛингва), Polyglossum (ЭТС - "Электрон ва анъанавий луғатлар"), Контекст (Информатик), PROMT (ПРОМТ) ва бошқалар. Уларнинг аксарияти универсал бўлсада, лекин ҳар бири маълум бир йўналишга мўлжаллангандир [1].

Иккита энг машхур электрон луғатлар - Lingvo компани Abbyu и Мультилекслар Медиа лингва фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Уни ишлаб чиққанлар лексикография электрон луғат версияларига нисбатан турлича қарашларга эга.

Россия Сети - ИПС Index Словари(<http://slovari.yandex.ru/>) тармоқлари нисбатан машхур портал ҳисобланади. Бу портал инглиз, немис, француз, италян, испан ва украин тилларидаги таржималарни амалга оширади. Таржимадан ташқари портал медицина, юридик ва техника соҳаларига оид сўровномаларни ҳам тақдим этади. Портал жуда қулай ва оддий.

Портал Mail.ru (<http://multilex.mai.ru/>) эса етти тилда тақдим этилган. Унда Онлайн – сўровномалар умумий сўзлардан ташқари медицина, иқтисод, нефт, газ, куёш энергетикаси ва бошқа соҳаларга оид атамалар кенг қўламда берилган.

ИПС Rambler - Словари(<http://www.rambler.ru/dict/>) онлайн – луғат портали ҳам мавжуд. Унинг тили ҳозирча инглиз ва немис тилида.

Ҳозирда қуйидаги электрон луғатлари чўнтак техникалари орқали машхур бўлиб бормоқда: SlovoED/Multilex, Abbyu Lingvo, Pocket Context, Absolute Word Roadlingua, Diet, VVS Словарь, Pocket Multitran, Pocket Promt [1].

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ўзбек тили терминология тадқиқоти мактаблари амалиётнинг қуйидаги йўналишларини ривожлантириб бориш долзарб муаммо: лексикографик терминологик фаолият; термин ва термин тизими (атамаларни тартиблаш, стандартлаш, уйғунлаштириш) ни унификация қилиш; муаллифнинг терминлар устидаги ишлар (тахрирли ва терминологик ишлар); атамаларнинг илмий, техник ва бошқа махсус матнлар доирасидаги таржималар; маълумотларнинг терминологик банкини (МТБ) яратиш; терминология органлари ва бошқа марказлар (соҳавий марказалардан халқаро марказларгача) илмий – тадқиқотини ташкил этиш.

Биз тақлиф этаётган электрон луғат анъанавий илмий-техник тадқиқот ва МТБни хужжатлаштириш усуллари орқали терминология ишларини автоматизациялаш, маълумотларни йиғиш, сақлаш ишлари компьютер ёрдамида амалга оширилади. Бу тез ва арзон амалга оширилади.

Бунда МТБга сўз – ибора бўйича нутқда ишлатилиши, унинг келиб чиқиши, матнларда қўлланилишига оид турли маълумотлар киритилади. МТБ атама ҳақида маълумот бераркан, сўз-тушунчанинг изоҳи берилади. МТБ яратиш учун эътиборга олиш зарур бўлган ишлар: 1. Маълум бир муаллиф асари матни; 2. Маълум бир муаммога бағишланган матнлар (матн лавҳалари); 3. Алоҳида аниқ атамалар; 4. Матннинг бутун бир луғати; 5. Матннинг частотали луғати; 6. Тасвирлар, схемалар; 7. Сўзларнинг матнда учраш даражаси ва б.

Хулоса шуки, ўзбек киберлексикографиясини йўлга қўйиш бугун учун долзарб вазифа. Замонавий тилшуносликнинг ютуқлари асосида бугунги кунда ўзбек тили луғатларини компьютер технологиялари асосида қуриш ва қайта ишлаш, унинг қўлланишини маълум бир шароит, турли шароит учун моделлаштириш, она тилимиз компьютер моделларини лингвистика ёки бошқа соҳаларда қўллаш, техника таржимаси кабилар бўйича эришилаётган сезиларли ютуқлар киберлексикографиясини йўлга қўйишга олиб келади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Карпова О. М., Менагаришвили О. В. Электронные словари и кибернетическая лексикография: метод. рекомендации к спецкурсу. -Иваново: Иван. гос. ун-т, 2002. –45 с.
2. Кибернетическая лексикография Захаров В. 1 А -10 ФИЯ ЧГУ имени И. Н. Ульянова. электр. ресурс. <http://www.myshared.ru/slide/10492/>
3. Крысин Л. «Учительская газета», №5, 9 февраля 2010 года. <http://www.ug.ru/archive/30237#:~:text=%D0%D0%>
4. Мадвалиев А. Термин - терминологик луғат - изоҳли луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. – №6. – Б. 54-67.
5. Мухамедова С. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2007.
6. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск 14. Проблемы и методы лексикографии. Под редакцией Зевахиной Т. С., Городецкого Б. Ю. М.: Прогресс, 1983. – 399 с.
7. Тоирова Г. Ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари. Халқаро монография. Германия: “GlebeEdit” номли халқаро нашриёт. 2020, -169 б. ISBN-13: 978-620-0-60846-8. <https://my.glebeedit.com/catalog/details/store/gb/book/978-620-0-60846-8/>
8. Тоирова Г. Миллий корпус яратишнинг технологик жараёни хусусида. //Ўзбекистонда хорижий тиллар. Электрон илмий-методик журнал. – Тошкент. 2020, № 2 (31), –Б.57– 64. <https://journal.fledu.uz/uz/2-31-2020>
9. Саженин, И. И. Словарный корпус: проблемы и перспективы / И. И. Саженин; под ред. О. А. Маркасовой, Н. В. Константиновой // Молодая филология – 2011 (по материалам исследований молодых учёных): межвузовский сборник научных трудов. – Новосибирск: Изд-во НГПУ, 2011. – С. 250-259.
10. Пўлатов А., Мўминова Т., Пўлатова И. Дунёвий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 76.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент. –Б.34. <http://n.ziyouz.com/kutubxona>
12. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Lug%CA%BBat> 2020 йил июнь кидирув берилди.
13. Ҳожиев А. Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома. – Тошкент, 2000. – Б.43.

УЎК 81-13

ДАВР РУҲИНИНГ ҚИССАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Ф.А. Раджапова, кафедра мудири, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада истиқлол даври ўзбек қиссаларида миллат кишисининг руҳияти, ҳиссиёти, кўнгил олами яхлит тарзда бутун мураккаблиги билан тадқиқ қилиниши, адабий қаҳрамон ўзининг нотекис ҳаёт йўли, интилиши ва руҳият кечинмалари билан тобора ўзига хос ва бетакрор бўлиб бораётганлиги хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: қисса, руҳият, ҳиссиёт, кўнгил, яхлит, адабий қаҳрамон

Аннотация. В статье идет речь, о том, что в узбекских рассказах периода независимости психика, эмоции и мир души нации исследуются во всей ее сложности, а литературный герой становится все более уникальным с его неровным жизненным укладом, стремлениями и внутренним миром.

Ключевые слова: повествование, психика, эмоция, сердце, целостность, литературный герой.

Abstract. The article says that in the Uzbek stories of the independence period, the spirit, emotions, the world of the nation are studied in all its complexity, the literary hero becomes more and more unique with his uneven way of life, aspirations and spiritual experiences.

Keywords: narrative, psyche, emotion, heart, wholeness, literary hero

Давр ва қаҳрамон бадиий ижоднинг ҳамма босқичларида энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Чунки бу икки тушунча ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдирди, изоҳлайди, уларнинг бадиий талқинида муайян замон ва шахс муносабати акс этади. Зеро, ҳар бир даврга хос асосий хусусиятлар шахнинг турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, руҳияти, умуман, қисматида намоён бўлади. Бу жараён узлуксиз характер касб этиши туфайли давр ҳам, қаҳрамон ҳам ўзгариб боради. Демак, “шу асосда биз тушунадиганимиз инсон моҳияти турли даврларда турлича жило беради. Чунки ҳар бир давр алоҳида спецификага эга ижтимоий-психологик муҳит сифатида инсонга – ижодкорга ўз таъсирини ўтказди” [1]. Мустақиллик даври ўзбек насрида, жумладан, қиссаларида бу таъсирнинг ёрқин ифодасини кўриш мумкин.

Бу давр маънавий жабҳага, бадиий ижодга ўзгача мазмун, туб сифат ўзгариши ва янгиланишлар бағишламоқда. Бу ҳол ижод эркинлиги, янгича адабий тамойилларга кенг йўл очиб берилганида ва инсонни бадиий тадқиқ этиш имконияти кенгайиб боришида намоён бўлмоқда. Бу тамойилларнинг муштарак нуқтаси шундаки, уларда ўзлигини англашга, инсонлик шаънини сақлашга ва эзгуликка интилувчи шахс тимсолини бадиий идрок этиш етакчилик қилаётир. Шу боис, қиссаларда ҳам миллат кишисининг руҳияти, ҳиссиёти, кўнгил олами яхлит тарзда бутун мураккаблиги билан тадқиқ қилина бошланди, адабий қаҳрамон ўзининг нотекис ҳаёт йўли, интилиши ва руҳият кечинмалари билан тобора ўзига хос ва бетакрор бўлиб бормоқда.

Бугунги қиссаларда анъанавий реалистик ва ноанъанавий замонавий йўналишларда қаҳрамон шахсига ёндашиш услубларидаги фарқ тобора ёрқинлашмоқда. Жумладан, Э.Аъзам,